

ТАЛАБАЛАРДА ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛАНТИРИШ КАСБИЙ ИЖТИМОИЙ ЕТУКЛИККА УНДАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Атакулова Наргизахон Алижоновна

Андижон давлат университети, 1-курс доктаранти (DSc)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7394399>

Аннотация. *Ushbu maqolada talabalardan din va diniy dunёқaraishi inson maъnaviyatining muҳim kўrinnishlariidan biri ekani, shu bilan birgaliqda ularda diniy dunёқaraishi qanchalik soғlom bolса, shaxsnинг maъnaviyati ham shu qадар юксак бўлиши назарда тутилиб, талабаларда diniy dunёқaraishi shaklantiriши асосида камолотга эришиши йўллари va ўзига хос жиҳатлари ёритилган.*

Калим сўзлар: зардуштийлик дини, қуръон, соғлом диний дунёқараши, диний бағрикенглик, касбий ижтимоий етуклик, маънавий эътиқод, маънавий-маърифий тарбия, ҳалоллик, ҳақгўйлик, саҳийилик, экстремистик.

ФОРМИРОВАНИЕ РЕЛИГИОЗНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ КАК ФАКТОР, СТИМУЛИРУЮЩИЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНУЮ СОЦИАЛЬНУЮ ЗРЕЛОСТЬ

Аннотация. В данной статье предполагается, что религия и религиозное мировоззрение у студентов является одним из важных проявлений духовности человека, и при этом, чем здоровее религиозное мировоззрение, тем выше будет духовность личности.

Ключевые слова: зороастрийская религия, Коран, здоровое религиозное мировоззрение, веротерпимость, профессиональная социальная зрелость, духовная вера, духовно-просветительское воспитание, честность, правдивость, великодушие, экстремизм.

FORMATION OF RELIGIOUS WORLD VIEW OF STUDENTS AS A FACTOR STIMULATING PROFESSIONAL SOCIAL MATURITY

Abstract. This article assumes that religion and the religious worldview of students is one of the important manifestations of a person's spirituality, and at the same time, the healthier the religious worldview, the higher the spirituality of the individual.

Keywords: Zoroastrian religion, Koran, healthy religious outlook, religious tolerance, professional social maturity, spiritual faith, spiritual and educational education, honesty, truthfulness, generosity, extremism.

Турли экстремистик хуружлар сабабли бугунги кунда талабаларнинг диний соғлом, диний дунёқарашини ривожлантириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Чунки соғлом диний дунёқараши эгасигина диний бағрикенглик кўнижмасига эга бўлади. Дин ҳакидаги аниқ тушунчалар ва тасаввурлардан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдалана олади. Дин ҳакидаги аниқ тасаввурлар диний билимлар ва тушунчаларни пухта ўзлаштириш негизида вужудга келади. “Ислом энциклопедияси”да дин тушунчаси қуйидагича таърифланган: Дин (араб. – мулк, ҳукм, ҳисоб, жазо, тадбир, бўйсуниш, итоат қилиш, ибодат, парҳез, йўл тутиш, одат қилиш, эътиқод қилиш ва б.) – Худо ёки худолар, гайритабиий қучлар борлигига ишониш. Араб тилида дин сўзи кенг маънода ишлатилади. Қуръонда дин сўзи турли маъноларда 100 дан ортиқ маротаба ишлатилган бўлиб, ўша маъноларнинг ҳаммаси айни вақтдаги дин атамасида ҳам ўз аксини топган.

Инсоннинг динга бўлган муносабати унинг диний дунёқарашида ўз ифодасини топади. Дунёқараш – дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, кишиларнинг ўз атрофидағи воқеликка ва ўз-ўзига муносабатига бўлган қарашлар тизими. Шунингдек бу қарашларга асосланган одамларнинг эътиқодлари, идеаллари, билиш ва фаолият тамойиллари. Дунёқараш кишининг ёши, ҳаётй тажрибаси, билими, мафкураси билан боғлик. Дунёқарашда жамиятда шаклланган фалсафий, илмий, диний, сиёсий, ахлоҳий, хуқуқий, эстетик билимлар, қарашлар ўз аксини топади. Шахснинг дунёқарashi ижтимоий муносабатлар билан чамбарчас боғланган.

Диний дунёқараш шахснинг ўзи ва атрофдагиларнинг ички олами, кечинмалари, эътиқодларининг мазмун моҳиятини англашга кўмаклашади. шунга кўра диний дунёқараш дид билан боғлиқ ҳодисалар ва воқеаларнинг шахс онгидা акс этиришини англатади. Ҳар бир шахснинг динга бўлган индивидуал муносабати диний дунёқарашни асосини ташкил этади. Шунинг учун диний дунёқараш жамият аъзоларининг тафакур тарзи, хатти-ҳаракатлари мазмунини белгилади. Диний дунёқарашнинг қанчалик соғлом бўлиши инсоннинг диний билимлар, қарашларни қай даражада эгалланганлигига боғлик. Инсоннинг дунёқарashi тўрт шаклда намоён бўлади.

1. Мифологик.
2. Диний.
3. Турмуш билан боғланган.
4. Фалсафий.

Диний дунёқараш барча воқеа ҳодисалар, улар орасида алоқадорликни илохий кучлар билан боғлиқ ҳолда талқин этади. Диний дунёқарашнинг муҳим кўринишлари сифатида диний эътиқод, дин билан боғлиқ ҳис-туйғулар, кечинмалар, диний ақидаларга бўлган ишонч, илоҳий кучларга сигинишларни кўрсатиш мумкин.

Шунга кўра дин ва диний дунёқараш инсон маънавиятининг муҳим кўриниши ҳисобланади. Диний дунёқараш қанчалик соғлом бўлса, шахснинг маънавияти ҳам шу қадар юксак бўлади. Диний дунёқараш ўзида маънавий эътиқод ва маънавий хатти-ҳаракатларни ўзида мужассамлаштиради. Соғлом диний дунёқараш инсонларга маънавий юксалиш йўлини кўрсатади. Шунинг учун ҳам талabalарда диний дунёқарашни шакллантириш орқали маънавий юксалиш мотивларини ҳосил қилиш назарда тутилади.

Халқимиз кўп асрлар мобайнида у ёки бу динга эътиқод қилиб келган. уларнинг эътиқоди дунёқарашини ифодалаган. Талabalарга дин тарихини ўргатиш билан бир қаторда диний дунёқараш ва эътиқодлар тарихи ҳақида маълумот бериб унинг шахс маънавий юксалишида тутган ўрни тушунтириш ҳам муҳим педагогик аҳамиятга эга. Ўрта Осиёдаги маданий ёдгорликлар ҳақида талabalарга маълумот бериш орқали уларни халқимизнинг бой диний тасаввурларида хабардор қилиш имконияти мавжуд. Аждодларимиз турли халқларнинг диний эътиқодларини ўрганиш натижасида ўзларининг диний-маънавий тасаввурларини кенгайтиришга муваффақ бўлганлар. Мавжуд турмуш тарзи турли халқлар билан амалга ошириладиган меҳнат ва савдо муносабатлари уларнинг диний эътиқодларини ўрганиш ва маънавий қадриятларни ўзаро алмашинишига сабаб бўлган. Биз дастлабки диний тасаввурлар ҳақида талabalарга маълумот бериш учун петроглифлар, археологик топилмалар, ёзма ва оғзаки ривоятлар мужассамлашган манбаларга мурожаат қилиш кўникмаларини уларда шакллантириш зарурияти мавжуд деган хulosага келдик. Халқимизнинг аксарият урф-одатлари, қадриятлари диний

дунёқараш маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун ҳам талабаларга урф-одатлар қадриятларни ўргатиш жараёнида улар билан боғлиқ бўлган воқелик ҳақида маълумотлар бериш лозим.

Ҳар бир динда жамият аъзоларининг маънавий дунёқарашининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатадиган ғоялар мужассамлашган бўлади. Масалан, Зардустийлик динида эзгулик ва экологик масалаларига алоҳида эътибор қарилган. Ер, сув ва ҳавони булғамаслик лозимлиги, бу улкан гуноҳ эканлиги таъкидланган. Шунинг учун ҳам жасадларни ерга кўмиш тавсия этилмаган. Оловга эса покловчи, ёвуз кучларни даф этувчи куч сифатида баҳо берилган. Зардустийлик динида беҳуда қон тўкиш қаттиқ қораланган, ёвузликка қарши кураш тарғиб қилинган. Инсонлар бунёдкорликка даъват этилган, бузғунчилик гуноҳ ҳисобланиб, қораланган. Зардустийликда меҳнат ва меҳнатсеварлик улуғланганки, бу ғоя бугунги кунда жамият фаровонлигини таъминловчи энг асосий омил ҳисобланади. Меҳнаткаш инсоннинг саҳоватли бўлиши таъкидланади. Инсон ўз виждони эзгулик саҳовати билан поклаши таъкидланган. Зардустийликдаги алоҳида дикқатга лойиқ ғоялардан бири инсоннинг ахлоқ-одоби, маърифатли бўлишига интилишидир. Зардустийликда инсон ва табиятнинг тозалигига муҳим масала сифатида эътибор қаратилган, инсон насл-насабининг поклиги тарғиб қилинган. Гарчан бизнинг мамлакатимизда зардустийлик динига эътиқод қилувчилар бўлмасада, унда илгари сурилган маънавий-ахлоқий қарашлар талаба-ёшлар дунёқарашини бойитишга хизмат қиласиди. Шунинг учун ҳам зардустийлик динида маънавий-ахлоқий қарашлар, маданий юксалиш тамойиллари билан талабаларни мунтазам таништириб бориш ўз самарасини беради.

Ўрта Осий азалдан маданият ва маънавият маркази бўлиб, маданиятлар турли динларнинг илфор ғояларини ўзида мужассамлаштирган ва умуминсоний маданият даражасига кўтарилиган. Шунинг учун ҳам умумбашарий маданият намоёндалари Ўрта Осиёдан етишиб чиқсан. Уларда диний дунёқарашнинг юксак намуналари шаклланган. Маълумки IX-XV- асрларда Ўрта Осиёда маданият, маърифат, фан юксак даражада ривожланган ҳисобланиб, бундай ривожланишининг асосини диний дунёқараш ташкил этган. Инсонларда шаклланган диний дунёқараш дунёвий билимларнинг ҳам ривожланишига ҳам таъсир кўрсатган. Чунки “Дорул Ҳикмат”нинг ташкил этилиши баробарида медицина, астрономия, математика, кимёга оид кўплаб асарлар таржима қилинган. Ушбу фанлар диний дунёқараш негизида ривожланган. Диний дунёқарашнинг ривожланиши натижасида гуманистик дунёқараш вужудга келди. Ўз навбатида гуманистик дунёқараш шахс маданияти ва маънавиятини юксалтиришга пойdevor бўла оладиган асарлар ва ғояларнинг дунёга келишига асос яратди. Мутафаккир аждодларимиз шахснинг диний дунёқарashi унга чексиз имкониятларни бахш этиши, ақл-идроқи, қарашлари, интеллектуал имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлаганлар. Аждодларимиз факат исломий эътиқодлар билан чекланиб қолмасдан антик даврда яратилган маданий меросга мурожаат қилган ҳолда ўз маданиятлари ва маънавиятларини бойитганлар.

Биринчи ва иккинчи Ренессанс даврида шахсада диний дунёқарашнинг шаклланишига қўйидаги омиллар алоҳида таъсир кўрсатган.

1. Дунёвий фанлар ва ислом ақидашунослигига оид билимлар. Бошқа халқларнинг диний қарашлари ва маданий бойликлари таъсири, чунончи юнон, рум, форс, хинд ва бошқалар.
2. Дунёвий илмларнинг тараққиёти.
3. Ақлий, амалий ҳамда рационал билиш имкониятлариниг кенгайиши.
4. Инсонга хос бўлган ахлоқий ғоялар ва маданий концепцияларнинг шахс онгига таъсири.
5. Фалсафий ғояларнинг ривожланиши.
6. Наср ва назм, риторика ҳамда фиқҳ илми ҳамда фикҳшуносликнинг ривожланиши.
7. Қомусий олимларнинг етишиб чиққанлиги.
8. Нафс ва қалб тарбиясига устувор эътибор қаратилганлиги.
9. Хоразм, Бухоро, Термиз каби йирик шаҳарларда илмий марказларни ташкил топганлиги.

Аждодларимиз ўзларининг маънавий қарашларини рамзий образлар тимсолида тарғиб қилганлар. Натижада ёшлар эзгулик ва ёвузликнинг ўзига хос жиҳатларини осонгина фарқлашга муваффақ бўлганлар. Масалан, Юсуф Хос Хожибининг “Кутадѓу билиг” асарида исломий эътиқодлари ва одоб- ахлоқ доирасида достон қаҳрамонлари ҳоким Кунтуғди – адолат, вазир Ойтўлди – баҳт, вазирнинг ўғли Ўғдулимиш – ақл рамзи сифатида намоён бўлган. Мутафаккир шоир Юсуф Хос Хожиб инсон камолотини таъминловчи асосий омиллар сифатида меҳнат, илм, баҳс ва шахслараро муносабатларни кўрсатади. Ҳар бир инсоннинг жамият равнақи йўлида хизмат қилиши, унга фойда келтиришини таъкидлайди. Меҳнат туфайли инсон камолотга етишишни эътироф этади. Билим эса меҳнатнинг асоси эканлигини асослашга харакат қилган. Юсуф Хос Хожиб ҳукмдорни адолатли бўлишга, қонунларга риоя қилишга чақиради. Бу эса диний дунёқарашнинг асосини ташкил этиб барча даврлар учун хос, аҳамиятли бўлган даъват ҳисобланади. Исломий эътиқодга кўра ҳар бир инсон адолатли ҳалол, зулм қилишдан йироқ, одамларга меҳрибон бўлиши лозим. Юсуф Хос Хожибининг таъкидлашича, инсон қандай мавқега эга бўлмасин ўзининг инсонийлик сифатларини тарқ этмаслиги керак. Бундай инсонларнинг номи эзгулик тимсоли бўлиб қолишини уқтиради.

Исломий дунёқарашнинг асосий мезонларидан бири илм-маърифатни эгаллаш туфайли жамиятни ривожлантиришга эришиш мумкинлигини эътироф этишдан иборат. Илм инсон йўлини ёритувчи машъал ҳисобланади, илмсизлик эса инсониятни зулматга етаклайди деган ғояни тасаввuf таълимоти намоёндалари ҳам қайта-қайта таъкидлаганлар. Мутафаккир аждодларимиз ёшларни чуқур мушоҳада қилиб, сўзлашга даъват қилганлар. Уларга тилга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга чақирганлар.

Исломий тарбия намоёндалари инсоннинг ички олами билан ташқи қиёфаси мутаносиб бўлиши ҳар бир шахс учун суврат ва сийрат бирлиги зарурлигини таъкидлаганлар ва ёшларни шунга даъват қилганлар. Улар ёлғончиликни, мунофиқликни қоралаганлар, улар бундай иллатларни инсоннинг ўзи ва бутун жамият учун заарли эканлигини кўрсатиб ўтганлар.

Исломий дунёқараш тарбиясида маънавий-маърифий етукликка даъват этиш етакчи ўрин эгаллаган. Бу ғоя ўша даврда яшаган кўплаб мутафаккирлар, шоир ва ёзувчилар ижодида етакчи ўрин эгаллаган. Масалан, XII аср охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида

яшаб ижод қилган Аҳмад Югнакий “Хиббатул-ҳақойик” достонида исломий дунёқарашнинг асосий тамойилларини баён қилган. Улар, бойликка хирс қўймаслик, яхшилик қилишга рағбат уйғотиш, билимли, маърифатли бўлиш, етуклика интилиш, билим эгаллаш орқали камолотга эришиш, яхшилик билан ҳурмат қозониш, билим битмас-туганмас бойлик эканлиги, тил тарбиясининг муҳим аҳамиятга эгалиги, у баҳт ва баҳтсизликнинг сабабчиси эканлиги, ҳалоллик, ҳақтўйлимқ, саҳийилик буюк фазилат эканлиги, камтаринлик инсонни улуғликка етаклаши, эзгуликнинг энг яхши амал эканлиги кабилар шулар жумласидандир.

Кўриниб турибдики, диний дунёқараш туфайли ажододларимиз маънавий-маърифий тарбиянинг битмас-туганмас асосларини яратганлар. Бугунги кунда бутун инсоният мазкур маърифатдан баҳраманд бўлиб, ўз тафаккурини бойитишга эришмоқда. Шунинг учун ҳам талаба-ёшларда соғлом диний дунёқарашни шакллантириш туфайли, уларни касбий ижтимоий етуклика даъват қилиш мумкин.

REFERENCES

1. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т. : Тошкент ислом университети, 2004. -624 б.
2. Аввесто. Тарихий–адабий ёдгорлик. Н.Жўраев Т.:Faфур Ғулом, 2015 – 699 б.
3. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ / Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – 672 б.
4. Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – 344 б.
5. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. – Т.: F.Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1971. – 160 б.
6. Югнакий А. Ҳибату-л-ҳақойик. – Т.: Академнашр, 2019. – 168 б.